

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 4 март, № 47 (8109)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН:

## МАЪНАВИЙ ИЛДИЗЛАР БИР, ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАР МУШТАРАК



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 март куни давлат ташрифи билан Покистонга келди.

Исломобод шаҳридаги аэропортда давлатимиз раҳбарини Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Имрон Хон кутиб олди.

Покистон Бош вазининг қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Шавкат Мирзиёев ва Имрон Хон фахрий қоровул олдидан ўтиб, шоҳсулага кўтарилди. Ўзбекистон ва Покистоннинг давлат мадҳиялари янгради.

Давлатимиз раҳбари халқларимиз дўстлиги, ҳамжиҳатлиги рамзи сифатида қароргоҳ боғига қўчат экти.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Имрон Хон тор доирада музокара ўтказди.

Покистон Бош вазири давлатимиз раҳбарини ташрифи билан қўлаб, Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Кейинги йилларда алоқалар анча фаоллашди. Бундан ташқари, икки мамлакатнинг турдош вазирилари ва идоралари,

худудлар раҳбарлари доимий мулоқотда бўлиб, олий даражада эришилган келишувларни амалга оширмоқда.

Пандемияга қарамай, барча соҳадаги алоқалар ривожланмоқда. Хусусан, 2021 йилда ўзаро савдо айланмаси қарийб 50 фоиз ўсди. Жорий йил бошдан яна 70 фоиз ўсиш кузатилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда покистонлик инвесторлар томонидан ташкил этилган 177 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Президентининг ташрифи арасида Исломободда Хукуматлараро комиссия йўналиши, бизнес форуми, сиёсий маслаҳатлашувлар бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев ва Имрон Хоннинг мулоқотида ушбу тадбирларнинг натижалари кўриб чиқилди. Савдо-иқтисодий ва инвестициявий келишувлар ҳажми аввалги йиллардагига қараганда ўсгани, шу билан бирга, хали фойдаланилмаган имкониятлар кўпчилиги қайд этилди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга мولик масалалар юзасидан фикр алмашиш экан, томонларнинг позицияси бир хил ёки ўхшаш экани тасдиқланди.

Ўзбекистон ва Покистон халқаро майдонда, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида

бир-бирини қўлаб-қувватлаб келмоқда.

Афғонистонда кун сайин мураккаблашаётган гуманитар ҳолат унинг ақин кўшнилари сифатида Ўзбекистон ва Покистонда жиддий ташвиш уйғотмоқда. Ушбу мамлакатта инсонпарварлик кўмаги кўрсатишга жаҳон ҳамжамияти эътиборини қўйиштириш муҳимлиги таъкидланди.

Имрон Хон Ўзбекистон Президенти тўғрисида қилган Урдуча — ўзбекча муштарак сўзлар лугатини катта мамнуният билан қабул қилди. Унда ўзбек ва урду тилларидаги 3 мингдан ортиқ бир хил маъноли сўзлар жамланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Имрон Хон музокараларини икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар.

Унда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт ва логистика, туризм, маданий соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳима қилинди.

— Қадимий Буюк Ипақ йўлида жойлашган Ўзбекистон ва Покистон халқларини азалдан умумий тарих, ўхшаш тил ва бой маънавий мерос боғлаб туради. Биз бугун бу кўна аъналарни қайта тикляймиз. Давлатлараро муносабатларимиз стратегик шериклик даражасига кўтарилганидан мамнунимиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари яқин истиқболда ўзаро савдо ҳажмини 500 миллион доллар, келгусида эса 1 миллиард долларга чиқариш имконияти борлигини таъкидлаб, бу борардаги муҳим йўналишларни кўрсатиб ўтди.

Авалло, савдо соҳаларида кооперация дастурини, савдо айланмаси тарихини кенгайтириш бўйича "Йўл харитаси"ни биргаликда ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Иккинчи муҳим йўналиш — мамлакатларимиз ва минтақаларимиз ўртасида мультимодал транспорт, юк ва ҳаво ташувлари бўйича ҳамкорликни кучайтириш. Яқинда Транзит ва савдо битими қўнғи яратди, мунтазам юк ташувлари учун асос яратилди.

Президентимиз транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлигини яна бир бор таъкидлади.

— Термиз — Мозори-Шариф — Қобул — Пешовар темир йўли бизнинг умумий келажагимиздир. Бу йўл битса, Покистонни Марказий Осиё билан боғлайдиган, Ўзбекистонни Карачи, Гавад ва Қосим портларига олиб чиқадиغان энг яқин, арзон ва хавфсиз йўлакни яратамиз. Бу темир йўл минтақаларимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди, — дея таъкидлади Ўзбекистон раҳбари.

Музокарада ушбу лойиҳани янада илгари суриш бўйича келишувга эришилди. Доимий авиақатновларни қайта тиклаш истиқболлари муҳима қилинди.

Икки мамлакат худудлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ҳам ривожланмоқда. Жумладан, Наманган вилояти ва Панжоб музофоти ишбилармонлари қўлаб лойиҳаларни амалга оширмоқда. Келгусида Сурхондарё вилояти билан Хайбер-Пахтунхва провинцияси ва бошқа худудларда ҳам ана шундай самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Зиёрат туризми — яна бир муҳим йўналиш. Покистонда нақшбандия тариқатининг миллионлаб вакиллари, улуғ алломуларимизнинг илосмандлари бор. Қадимий обид ва зиёратгоҳлар, Захриддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар мероси икки халқ учун ҳам қадри.

Президентимиз зиёратларни тизимли ташкил этиш мақсадида қўшма гуруҳ тузиш, икки мамлакат Туризм вазирилари раҳбири раҳбарлик қилди.

Учрашувда илм-фан, экология, олий таълим, санъат, кино, спорт соҳаларидаги алоқаларга ҳам эътибор қаратилди.

Хукуматлараро комиссия ҳамраислари, вазирилари эришилган келишув ва келгусидаги режалар ҳақида ахборот берди. Шавкат Мирзиёев ва Имрон Хон уларнинг тақлифларини қўлаб-қувватлаб, тегишли кўрсатмалар берди.

— Уйлайманки, бугунги очиқ ва сермахсул мулоқотларимиз, имзоланадиган ҳужжатлар стратегик шериклигимизнинг янги истиқболли йўналишларини очди. Энг асосийси, биз — икки биродар бир-биримизни яқин тушунамиз. Биз қўйган катта марраларга эришиш учун Хукуматларимиз доимий мулоқотда бўлишлари зарур, — деди Президентимиз.

Музокарада мамлакатларимизда ҳамкорликни янги босқинга олиб чиқиш бўйича катта хоҳиш-ирода ва интилиш борлигини яна бир бор таъкидлади.

Исломободдаги музокарада яқинда икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазири Имрон Хон Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислам Республикаси ўртасида стратегик шерикликни ривожлантириш бўйича келгуси қадамлар тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, ҳукуматлар ва идоралар ўртасида имтиёзли савдо тўғрисида, аэро-муҳитни асраш, зиёрат туризми, темир йўл соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида келишувлар, Сурхондарё вилояти билан Хайбер-Пахтунхва провинцияси, Тошкент шаҳри билан Исломобод шаҳри ўртасида шартномалар каби 10 га яқин ҳужжатлар имзоланди.

Бундан ташқари, ташриф арасида ўтган бизнес форумида 800 миллион долларлик қўшма савдо ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишувларга эришилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистон Ислам Республикасига давлат ташрифининг биринчи куни яқинлари бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Ўзбекистон Президенти ва Покистон Бош вазири хар доимгидек очиқлик ва ишонч муҳитида ўтган музокарада натижаларини мамнуният билан қайд этдилар.

Давлатимиз раҳбари журналистлар билан мулоқотда Покистон халқини яқинлаштириб келётган Покистон қуни байрами билан яна бир бор табрикланди. Ушбу ташриф катта тарихий воқеа — мамлакатлар

рими ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги арафасида ўтаётгани рамзий маънога эга эканини алоҳида таъкидлади. Олий даражадаги конструктив мулоқот, айниқса, кейинги йилларда фаоллашгани Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги шериклик ва ишонч даражасининг жадал ўсиб боришига хизмат қилмоқда.

— Биз Покистон билан биргаликда нафақат икки мамлакат, балки стратегик жиҳатдан муҳим бўлган Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги мустақам ҳамкорлик кўпригини бунёд этяпмиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатларимизда амалга оширилган "Янги Ўзбекистон" ва "Най Покистон" дастурларининг муштарак экани ҳам икки мамлакатнинг қараш ва интилишлари бир-бирига уйғунлигини тасдиқламоқда.

Ташриф доирасида имтиёзли савдо тўғрисидаги битимнинг имзолангани муҳим қадам бўлди.

Фармацевтика, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, банк-молия ва бошқа асосий йўналишларда кооперацияни кенгайтириш юзасидан муҳим келишувларга эришилди.

Томонлар Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустақамлашга қаратилган йирик қўшма транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш жаддаллаштиришга келишиб олдилар.

Покистон худуди орқали халқаро денгиз портларига чикувчи Термиз — Мозори-Шариф — Қобул — Пешовар стратегик темир йўлини қуриш ишларини яқин муддатларда бошлаш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

— "Аср лойиҳаси" деб аталаётган Термиз — Мозори-Шариф — Қобул — Пешовар темир йўли нафақат мамлакатларимиз, балки кенг минтақаларимиз халқлари умумий равнақига ҳисса қўшишига ишонамиз, — деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон ва Покистон ўртасида хавфсизлик, харбий-техник соҳаларда, терроризм, экстремизм ва трансмилий жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги ҳамкорлик самарали ривожланмоқда.

Маданий-гуманитар соҳа шериклигининг энг муҳим ва истиқболли йўналишларидан бири сифатида белгилан олинди.

Икки мамлакат фан, санъат, кино, спорт соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш, ёшларга оид дастурларни амалга ошириш тарафдор.

Ўзбекистонда йил сайин урду тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бораётгани таъкидланди. Покистон ҳам Исломобод замоний тиллар университетини, Панжоб ва Пешовар университетлари каби олий таълим муассасалари негизда ўзбек тили ва адабиёти, Ўзбекистон тарихини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда.

— Ташриф давомида салмоқли ҳужжатлар тўпламини, жумладан, Стратегик шерикликни ривожлантириш бўйича келгуси қадамлар тўғрисида қўшма декларацияни имзоладик. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича бўлажак савдо-ҳаракатларимиз белгилан олинган. Маънавий илдишлардан куч ва илҳом олаётган алоқаларимиз келгусида ҳам халқларимизнинг орзу-интилишларига ва биз тўзаётган катта-катта режаларга мос равишда янги марраларга кўтарилади, — деди Ўзбекистон Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистон Ислам Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

### ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 март куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон — Қозоғистон дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустақамлаш, ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Икки мамлакат етакчи корхоналарининг, энг аввало, савдо, энергетика, машинасозлик, кимё, қурилиш тармоқлари, транспорт ва логистика соҳаларида кооперация лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу муносабат билан олий даражадаги келишувларга мувофиқ қўшма иқтисодий лойиҳалар ва маданий-гуманитар дастурларни илгари суриш борасида ҳукуматлар даражасида мунтазам ва самарали мулоқотлар олиб борилаётгани ижобий баҳоланди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчилари халқаро кун тартиби ва минтақавий ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Телефон орқали мулоқот хар доимгидек дўстона ва ишонч руҳда ўтди.

Ў.А.

### ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ «БМТ ГЛОБАЛ АКСИЛТЕРРОР СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШМА ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ ДОИРАСИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИГИ» ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли делегация раҳбарлари! Хурматли халқаро ташкилотлар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар! Сизларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал аксилтерроор стратегиясини Марказий Осиёда амалга оширишга бағишланган, БМТ Аксилтерроор бошқармаси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган халқаро конференцияда қўлламан.

Мазкур форумни ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлаганини учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби жаноб Антониу Гутерришга алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман.

ЕХТ Бош котиби Хельга Шмид хоним, БМТ Бош котиби ўринбосари жаноб Владимир Воронков, БМТнинг Марказий Осиё учун прерентив дипломатия бўйича Минтақавий маркази раҳбари Наталья Герман хонимга ва Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсат идоралари раҳбарларига ушбу муҳим тадбирни таш-

киллаштиришдаги ҳамкорлик учун эҳтиромимни изхор этаман.

Сизлар конференция ишини қўллаб-қувватлаганингиз умумий хавфсизлик ва барқарорлик йўлида терроризм, бошқа таҳдид ва хатарларга биргаликда қарши туриш масаласида собитликининг ишончи тасдиғидир.

Хурматли конференция иштирокчилари!

Бугун биз халқаро муносабатларда нисозларини кучайтириш, мамлакатлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорлик даражасининг пасайишига гувоҳ бўлиб турибмиз. Айни дамда дунёнинг турли минтақаларида кескинлик ўчоқлари сақланиб қолмоқда, қуроли тўқнашувлар давом этмоқда.

Ижтимоий ҳаёт ва иқтисодий фаолиятнинг барча жабҳаларига зарар келтирган пандемия БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга ўта салбий таъсир қилмоқда. Иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги инкирозли ҳодисалар дунёдаги тенгсизликни кучайтирмоқда, нисозларнинг

кескинлашуви хавфини жиддий оширмоқда ва шу асосда терроризм ғояларининг тарқалиши учун қўлай муҳит яратмоқда.

Шундай мураккаб шароитларда тобора ортиб бораётган глобал ва минтақавий хавфсизликка таҳдидларга қарши курашиш йўлида дунё ҳамжамиятининг савдо-ҳаракатларини бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Бундан 15 йил муқаддам дунёнинг барча мамлакатлари БМТнинг Глобал аксилтерроор стратегиясини бир овоздан маъқуллаган эдилар. Ушбу ҳужжат терроризмга қарши курашда миллий ва халқаро савдо-ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилган кенг қамровли, умумэтироф этилган илк ҳуқуқий асос бўлди.

2011 йилда Марказий Осиёнинг бешта мамлақати уни рўёбга чиқаришга доир Қўшма ҳаракатлар режасини тасдиқлаб, биринчи бўлиб мазкур дастурий ҳужжатни минтақалаштириш бўйича намуна кўрсатдилар.

2

### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Географик кўрсаткичлар тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 21 декабрда қабул қилинган Сенат томонидан 2022 йил 3 февралда маъқуллашган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва амал қилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади географик кўрсаткичларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши товар келиб чиққан жой номларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларга нисбатан таътиб этилмайди.

2-модда. Географик кўрсаткичлар тўғрисидаги қонунчилик

Географик кўрсаткичлар тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг географик кўрсаткичлар тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқа қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

(Давоми 3, 4-бетларда).



# Географик кўрсаткичлар тўғрисида

(**Давоми. Бошланishi 1-бетда.**)

#### 3-модда. Географик кўрсаткич тушунчаси

Товарни муайян географик объект ҳудудидан келиб чиққан товар сифатида идентификацияловчи белги географик кўрсаткич деб эътироф этилиб, унда товарнинг сифати, ном қозонганлиги ёки ишбўча хусусиятлари (бундан буён матнда товарнинг хусусиятлари деб юритилади) унинг географик жихатдан келиб чиқишига сезиларли даражада боғлиқ бўлади. Мазкур географик объект ҳудудида товарни ишлаб чиқаришнинг товарнинг хусусиятларини шакллантиришга жиддий таъсир кўрсатадиган босқичларидан лоақал биттаси амалга оширилиши керак.

#### 4-модда. Географик кўрсаткичларни ҳуқуқий жихатдан муҳофаза қилиш

Географик кўрсаткичларни ҳуқуқий жихатдан муҳофаза қилиш уни ишбўча Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Чет эл географик кўрсаткичларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муҳофаза қилиш фақат тегишли белги ўзи келиб чиққан мамлакатда муҳофаза қилинган тақдирдагина амалга оширилади.

#### 5-модда. Географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқи

Агар географик кўрсаткични рўйхатдан ўтказган шахс муайян сифати, ном қозонганлиги ёки бошқа хусусиятлари сезиларли даражада унинг географик келиб чиқишига боғлиқ бўлган товарни ишлаб чиқараётган бўлса, мазкур шахс ушбу географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини олади.

Ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқи худди шу географик объектда жойлашган ва худди шундай хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқараётган бошқа юридик ёки жисмоний шахсга ҳам берилиши мумкин.

#### 6-модда. Географик кўрсаткичларни ҳуқуқий жихатдан муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органи

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) географик кўрсаткичларни ҳуқуқий жихатдан муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органидир.

Агентлик:
географик кўрсаткичларни ҳуқуқий жихатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
географик кўрсаткичларни ва географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномаларни кўриб чиқиш учун қабул қилади, улар юзасидан давлат экспертизасини ўтказади;
географик кўрсаткичларни ва географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишни амалга оширади;

Географик кўрсаткичларнинг давлат реестрини (бундан буён матнда реестр деб юритилади) юритади;
географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беради;

географик кўрсаткични рўйхатдан ўтказиш ва географик кўрсаткичлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги расмий маълумотларни эълон қилади;
қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

#### 2-боб. Географик кўрсаткични рўйхатдан ўтказиш

#### 7-модда. Географик кўрсаткични рўйхатдан ўтказиш шартлари

Географик кўрсаткич муайян географик объектда жойлашган ва ушбу объектнинг номидан ўзи ишлаб чиқараётган товарни белгилаш учун фойдаланаётган бир неча юридик ёки жисмоний шахснинг (алоҳида ҳолларда, агар бошқа шахслар мавжуд бўлмаса ёхуд улар талабномани беришда иштирок этиш истагини билдирмаса, битта шахснинг) талабномасига кўра рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Географик кўрсаткични рўйхатдан ўтказиш учун талабнома:
ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган юридик ва (ёки) жисмоний шахсларнинг манфаатларини ифодалаш учун ваколатли, бирлашма шаклида ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилоти (бундан буён матнда бирлашма деб юритилади) томонидан;
тегишли географик объект жойлашган ҳудуддаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи томонидан ҳам берилиши мумкин.

#### 8-модда. Географик кўрсаткични ёки географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома бериш

Географик кўрсаткични ёки географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома (бундан буён матнда талабнома деб юритилади) юридик ёки жисмоний шахс (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) томонидан бевосита ёхуд унинг патент вакили ёки ишончли вакили томонидан давлат ахборот тизимлари орқали берилади.
Талабнома берилган сана талабнома Агентликка келиб тушган санага қараб белгиланади.
Талабнома берилганидан кейин Агентлик талабнома ҳақидаги маълумотларни талабнома келиб тушган пайдан эътиборан бир иш куни ичида ўз расмий веб-сайтига жойлаштиради.

#### 9-модда. Товар келиб чиққан жой номи учун талабномани ва рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиққан жой номини географик кўрсаткич этиб ўзгартириш

Талабнома берувчи товар келиб чиққан жой номи учун талабномани экспертиза натижалари бўйича қарор қабул қилингунига қадар географик кўрсаткичга доир талабнома этиб ўзгартиришга ҳақли.
Рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиққан жой номи товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома эгасининг (эгаларининг) аризасига кўра географик кўрсаткич этиб ўзгартирилиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номининг географик кўрсаткич этиб ўзгартириш билан боғлиқ ишларни юритиш товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома эгаси (эгалари) томонидан мустақил равишда, патент вакили ёки ишончли вакил орқали амалга оширилиши мумкин.

#### 10-модда. Патент вакиллар орқали вакиллик

Ўзбекистон Республикасида ташқарида доимий яшайдиган жисмоний шахслар ва чет эл юридик шахслари географик кўрсаткичларни рўйхатдан ўтказишга ҳамда географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани беришга доир ишларни, шунингдек бу ишлар билан боғлиқ бўлган юридик аҳамиятга молик бошқа ҳаракатларни Агентликда рўйхатдан ўтказилган патент вакиллари орқали амалга оширади.

Патент вакилининг ваколатлари ишончнома билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, лекин вақтинчалик унинг ҳудудидан ташқарида бўлган жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси доирасидаги ёзишмалар учун манзилни кўрсатган тақдирда, географик кўрсаткичларни рўйхатдан ўтказишга ва географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани беришга доир ишларни ҳамда бу ишлар

## Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

# Географик кўрсаткичлар тўғрисида

билан боғлиқ бўлган юридик аҳамиятга молик бошқа ҳаракатларни патент вакилисиз олиб бориши мумкин.

#### 11-модда. Талабномага доир талаблар

Талабнома битта географик кўрсаткичга тааллуқли бўлиши керак.

Талабномада куйидагилар кўрсатилиши керак:
географик кўрсаткични ёки географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза;
талабномада кўрсатилган белги ёки, агар реестрда рўйхатдан ўтказилган бўлса, географик кўрсаткич;
қайси товар тури учун географик кўрсаткични ёки географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган бўлса, ўша товар турининг номи;
географик объектнинг чегараларидаги товар ишлаб чиқариладиган жой;

товарнинг хусусиятлари у ишлаб чиқарилаётган жойга боғлиқ эканлигига тааллуқли маълумотлар;
товарнинг географик жихатдан келиб чиқишига, мазкур географик объект учун хос бўлган табиий шароитларга ва (ёки) инсон омилларига сезиларли даражада боғлиқ бўлган товар хусусиятларининг тавсифи, шу жумладан товарни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган бошланғич материалнинг тавсифи, товарнинг физик, кимёвий, микробиологик, органолептик ёки баддий хусусиятлари;

агар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамаси томонидан тасдиқланадиган географик кўрсаткичларни рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизмати кўрсатишга доир маъмурий регламентда (бундан буён матнда маъмурий регламент деб юритилади) назарда тутилган бўлса, талабномада баён этилган қоидаларга ва товарнинг аник хусусиятларига риоя этилганлигини тасдиқловчи ваколатли инспекция органларининг ҳамда лабораторияларнинг номи ва жойлашган ери (почта манзиллари).

Талабномага куйидагилар илова қилиниши керак:
талабнома берганлик учун патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
талабнома патент вакили ёки ишончли вакил орқали берилган тақдирда талабнома берувчининг ишончномаси;
агар талабнома берувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ишлаб чиқараётган шахс бўлса, талабнома берувчининг мазкур географик объектда жойлашганлигини ва хусусиятлари ушбу географик объект билан сезиларли даражада боғлиқ бўлган товар ишлаб чиқараётганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

агар талабнома берувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида товарлар ишлаб чиқараётган шахс бўлса, географик объект жойлашган мамлакатда талабномада баён этилган географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

Географик кўрсаткични рўйхатдан ўтказиш учун талабнома бирлашма томонидан берилган тақдирда, ушбу бирлашмага кирувчи шахслар тегишли хусусиятларга эга бўлган товарни ишлаб чиқараётганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Илгари рўйхатдан ўтказилган географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномага талабнома берувчи реестрда кўрсатилган хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқараётганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Талабномани расмийлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатларга доир талаблар маъмурий регламентда белгиланади.

#### 12-модда. Географик кўрсаткичлар сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар

Куйидаги белгилар географик кўрсаткич сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

товар қайси географик объект чегарасида дастлаб ишлаб чиқарилган ёки фуқаролик муомаласига киритилган ва ишлаб чиқарилиш жойи билан боғлиқ бўлмаган муайян турдаги товарнинг белгиси сифатида Ўзбекистон Республикасида умумий истеъмолга киритилган бўлса, ўша географик объектнинг белгиси;

айни бир турдаги товарга нисбатан географик кўрсаткич ёки товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилган белги;

нисбатан илгарироқ устуворликка эга бўлган товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси билан бир хил ёхуд унга айнан ўхшаш бўлган белги, агар бундай географик кўрсаткичдан фойдаланиш товар ёки уни тайёрловчи хусусида истеъмолчини чалғитса;

ўсимлик навининг ёки ҳайвон зотининг номини ифодаловчи белги, агар бўлмай географик кўрсаткичдан фойдаланиш товар хусусида истеъмолчини чалғитса;

товар ёки уни тайёрловчи хусусида истеъмолчини чалғитадиган белги;

ушбу Қонуннинг 11-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаган товарга нисбатан географик кўрсаткич сифатида рўйхатдан ўтказиш учун талабнома берилган белги.

#### 13-модда. Талабноманинг давлат экспертизаси

Талабноманинг давлат экспертизаси Агентлик томонидан амалга оширилади ҳамда у расмий экспертизани ва талабномада ифодаланган белгининг экспертизасини ўз ичига олади.

Талабнома берувчи талабнома давлат экспертизасидан ўтказилиши даврида бу талабнома юзасидан қарор қабул қилингунига қадар ўз ташаббуси билан талабнома материалларини тузатишга, аниқлаштиришга ёки уларни талабномани мохиятан ўзгартирмайдиган материаллар билан тўлдирришга ҳақли.

Давлат экспертизасини ўтказиш жараёнида қўшимча материалларсиз экспертиза ўтказиш мумкин бўлмаса, Агентлик талабнома берувчидан бундай материалларни сўраб олишга ҳақли.

Давлат экспертизасининг сўровига кўра қўшимча материаллар сўров талабнома берувчига жўнатилган санадан эътиборан уч ой ичида тақдим этилиши керак.
Талабнома берувчининг илтимосига кўра мазкур мuddат кўли билан олти ойга узайтирилиши мумкин.
Агар талабнома берувчи сўралаётган қўшимча материалларни ёки уларни тақдим этиш мuddатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўрсатилган мuddатда тақдим этмаса, талабнома қақриб олинган деб ҳисобланади.
Талабнома берувчи томонидан ўтқазиб юборилган мuddатлар талабнома берувчининг мазкур мuddатлар тугаганидан икки ойдан кечиктирмай берган илтимосномасига биноан Агентлик томонидан тикланиши мумкин.

Талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш тартиби маъмурий регламентда белгиланади.

#### 14-модда. Талабноманинг расмий экспертизаси

Талабноманинг расмий экспертизаси талабнома Агентликка берилган санадан эътиборан ўн беш кунлик мuddатда амалга оширилади.

Расмий экспертиза чоғида талабноманинг мазмуни, зарур ҳужжатларнинг мавжудлиги, шунингдек уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади.

Талабнома берувчига расмий экспертиза натижаларига кўра Агентликнинг талабномани кўриб чиқиш учун қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд уни рад этиш ҳақидаги қарори маълум қилинади.

#### 15-модда. Талабномада ифодаланган белгининг экспертизаси

Талабномада ифодаланган белгининг экспертизаси талабнома кўриб чиқиш учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги қарорга мувофиқ, мазкур қарор қабул қилинганидан кейин бир ой ичида Агентлик томонидан ўтказилади.

Талабномада ифодаланган белгининг экспертизаси чоғида талабномада ифодаланган белгининг ушбу Қонун 4, 5, 7 ва 11-моддалари қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

Талабномада ифодаланган белгининг экспертизаси

натижаларига кўра Агентликнинг географик кўрсаткични ёки географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги ёхуд уни рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинади, талабнома берувчи бу ҳақда хабардор қилинади.

#### 16-модда. Давлат экспертизаси натижалари устидан шикоят бериш

Талабнома берувчи давлат экспертизаси натижалари устидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгашига (бундан буён матнда Апелляция кенгаши деб юритилади) қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч ой ичида шикоят беришга ҳақли.

Давлат экспертизаси натижалари устидан Апелляция кенгашига шикоят бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Талабнома берувчи Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят беришга ҳақли.

#### 17-модда. Талабномадан воз кечиш ёки уни қақрииб олиш

Талабнома берувчи талабномадан уни кўриб чиқшининг исталган босқичида, лекин географик кўрсаткични ёки географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш санасидан кечиктирмай воз кечиши ёки уни қақрииб олиши мумкин.

#### 18-модда. Географик кўрсаткични ёки географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш

Давлат экспертизаси натижалари асосида Агентлик географик кўрсаткични ёки географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини реестрда рўйхатдан ўтказишни патент божи тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат олинган санадан эътиборан уч иш куни ичида амалга оширади.

Реестрга киритиладиган маълумотлар таркиби маъмурий регламентда белгиланади.

#### 19-модда. Географик кўрсаткич ёки географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш

Географик кўрсаткич ёки географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан товарнинг хусусиятлари тўғрисидаги ахборот Агентликнинг ўз расмий веб-сайтига ҳам жойлаштириладиган расмий ахборотномасида эълон қилинади.
Эълон қилинадиган маълумотларнинг таркиби Агентлик томонидан белгиланади.

#### 20-модда. Географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома

Географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома (бундан буён матнда гувоҳнома деб юритилади) унинг эгасининг географик кўрсаткичдан гувоҳномада кўрсатилган товар турига нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайди.

Гувоҳнома географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқи реестрда рўйхатдан ўтказилганидан кейин уч иш куни ичида Агентлик томонидан берилади.
Гувоҳноманинг шакли ва унда кўрсатиладиган маълумотлар таркиби Агентлик томонидан белгиланади.

#### 21-модда. Географик кўрсаткични муҳофаза қилиш мuddати ҳамда гувоҳноманинг амал қилиш мuddати

Географик кўрсаткич ушбу Қонун талабларига жавоб берадиган товарни ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлган бутун вақт давомида муҳофаза қилинади.

Гувоҳнома талабнома берилган санадан эътиборан ўн йил давомида амал қилади.

#### 22-модда. Гувоҳноманинг амал қилиш мuddатини узайтириш

Гувоҳноманинг амал қилиш мuddати гувоҳнома амал қилаётган охириги йил ичида унинг эгаси томонидан берилган аризага кўра сафар ўн йилга узайтирилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган аризага куйидагилар илова қилиниши керак:

патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
патент вакили ёки ишончли вакил орқали ариза берилган тақдирда талабнома берувчининг ишончномаси;
географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс мазкур географик объектда эканлигини ва реестрда кўрсатилган хусусиятларга эга бўлган товарни ишлаб чиқараётганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Гувоҳноманинг амал қилиш мuddатини узайтириш ҳақидаги ёзув ариза берилган санадан эътиборан уч кун ичида реестрга киритилади.

Ариза беришнинг ушбу модда биринчи қисмида кўрсатилган мuddати гувоҳноманинг амал қилиш мuddати тугаганидан кейин олти ой ичида гувоҳнома эгаси берган илтимосномага кўра узайтирилади.

#### 23-модда. Гувоҳномага ўзгартишлар киритиш

Гувоҳноманинг эгаси Агентликини ўз номи, фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарганлиги тўғрисида, географик кўрсаткичга тааллуқли бошқа ўзгартишлар тўғрисида хабардор қилади.

Ушбу ўзгартишлар тўғрисидаги ёзув Агентлик томонидан гувоҳномага ва реестрга киритилади.

#### 24-модда. Гувоҳномани ҳақкий эмас деб топиш

Агар гувоҳнома ушбу Қонунда белгиланган талабларни бузган ҳолда берилган бўлса, ушбу гувоҳнома унинг бутун амал қилиш мuddати ичида ҳақкий эмас деб топилиши мумкин.

Гувоҳнома Апелляция кенгашининг ёки суднинг қарори асосида ҳақкий эмас деб топилади.

#### 25-модда. Географик кўрсаткичнинг рўйхатдан ўтказилганлигини бекар қилиш, гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш

Географик кўрсаткичнинг рўйхатдан ўтказилганлиги:
товарни реестрда кўрсатилган хусусиятлар билан ишлаб чиқаришнинг имконияти йўқлиги муносабати билан;
чет эл юридик ёки жисмоний шахслари товар келиб чиққан мамлакатда мазкур географик кўрсаткичга доир ҳуқуқини йўқотганлиги муносабати билан Апелляция кенгашининг қарори асосида бекар қилинади.

Гувоҳноманинг амал қилиши унинг амал қилиш мuddати ўтганлиги муносабати билан тугатилади.

Гувоҳноманинг амал қилиши:
гувоҳнома эгасининг Агентликка берган аризаси;
гувоҳнома эгаси географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотганлиги муносабати билан Апелляция кенгашининг қарори;
суднинг қарори асосида мuddатидан илгари тугатилади.

#### 26-модда. Географик кўрсаткичдан фойдаланиш

Гувоҳноманинг эгасига географик кўрсаткичдан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай усулда фойдаланиш, шу жумладан:

ишлаб чиқарилаётган, сотувга тақдим этилаётган, сотилаётган, кўргазмаларда ва ярмаркаларда намойиш этилаётган ёки бошқача тарзда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаролик муомаласига киритилаётган ёхуд шу мақсадда сақланаётган ёки

ташилаётган ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган товарларда, товарларнинг ёрлиқларида, ўровларида;
товарларни фуқаролик муомаласига киритиш билан боғлиқ бўлган бланкаларда, ҳисобварақларда, бошқа ҳужжатларда ва босма наشرларда;

товарларни сотиш тўғрисидаги таклифларда, шунингдек эълонларда, пешлавлаларда ва рекламада фойдаланиш ҳуқуқи тегишлидир.

Бирлашма томонидан географик кўрсаткич рўйхатдан ўтказилган тақдирда, бундай географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқи, башарти ушбу географик кўрсаткичдан реестрда кўрсатилган хусусиятларга эга бўлган товарга нисбатан фойдаланилса, ушбу бирлашма аъзоси бўлган ҳар бир шахсга берилади.

Лицензия шартномаси асосида географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришга, б

